

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ МД 5А120102 – 2.02  
2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “8” 01

МАТН ЛИНГВИСТИКАСИ  
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар  
Мутахассислик: 5А 120102 - Лингвистика (роман-герман тиллари)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

- Ашурова Д.У. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси профессори, ф.ф.д.;
- Галиева М.Р. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.;
- Таджибаева А.А. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.

**Такризчилар:**

- Сиддикова И.А. – ЎзМУ, “Инглиз филологияси” кафедраси профессори, ф.ф.д.;
- Глазырина С.А. – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили стилистикаси” кафедраси мудири, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

Ҳозирги замон дунё глобллашуви ва интеграцияси даврида Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишдан асосий мақсад – таълим олувчиларнинг кўп маданиятли дунёда илмий, ижтимоий ва касбий соҳаларда фаолият юритишлари учун чет тили коммуникатив компетенциясига эга бўлишларини таъминлашдир.

“Матн лингвистикаси” фани мутахассислик фанлари блокига киради, бироқ ушбу фан ўқитилиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникмалар ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви оқибатида магистрантларнинг чет тили бўйича коммуникатив компетенцияларини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий) ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки бўлажак филологнинг касбий компетенцияси назарий фанлар ва асосий чет тили фани ўқитиш мажмуида шаклланади.

Ушбу дастур матнни коммуникатив, когнитив, прагматик, лингвокультурологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда комплекс, яъни ҳар тарафлама ўрганишга қаратилган. Дастур матн лингвистикасининг методологик принциплари, тамойиллари, асосий тушунчаларини, матн назарияси, матн турлари, функционал-стилистик хусусиятлари, матннинг асосий категориялари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Матн лингвистикаси фани коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, лингвокультурология каби тилшуносликнинг замонавий йўналишлари билан боғлиқ олиб борилади. Ушбу замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан, матн – кўпоғонали, мураккаб характерга эга тил бирлиги, мулоқотнинг асосий бирлиги ва ижтимоий таъсир этиш асбоби сифатида талқин этилади. Матн лингвистикасида тил ва маданият муносабатлари муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, матнда тил ва маданиятнинг ўзаро акс эттирилиши масаласига катта эътибор қаратилади. Бунда ижтимоий-маданий омил ва миллий дунё тасвири алоҳида ўрин

эгаллайди, чунки маданий контекстни назарда тутмаган ҳолда матн моҳиятини мукамал тушуниб бўлмайди, баъзи ҳолларда эса бунинг иложи ҳам бўлмайди.

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фаннинг мақсади – магистрантларда матн лингвистикаси методологик принциплари, тамойиллари, базавий муаммолари ва асосий тушунчалари бўйича мутахассислик профилига мос илмий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш, ҳамда матн лингвистикаси соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш.

Фаннинг вазифаси – магистрантларга мулоқотнинг турли жабҳаларида ва ҳолатларида тилдан услубий жиҳатдан адекват фойдаланиш, матн лингвистикаси асосий муаммолари бўйича таянч илмий билимларни шакллантириш, ҳамда матн лингвистикаси соҳасида илмий тадқиқот олиб боришга ўргатиш. Матн лингвистикасида фойдаланиладиган анъанавий ва замонавий таҳлил методлар воситасида матнда лисоний ва маданий тузилмаларнинг ўзаро муносабатини, матнда турли хил билимлар тузилмалари ва ахборотнинг акс эттирилиши йўллари ўрганишга қаратилган когнитив методларни амалда қўллай олишни ўргатиш, ҳамда бадиий матн асосида ётган концептуал аҳамиятга эга ахборотни, муаллиф интенцияларини (мақсад) тадқиқот асосида очиб бериш.

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Матн лингвистикаси” фанини ўзлаштириш жараёнида магистрант:

- матн лингвистикасининг ва бошқа фанлар ўртасидаги алоқалар;
- матн лингвистикаси фанининг назарий ва амалий ютуқлари;
- матн лингвистикасидаги турли назарий қарашлар ва етакчи концепциялар;
- лингвопрагматика тил белгилари ва улардан фойдаланувчилар ўртасидаги алоқалари;

- матн лингвистикасининг когнитив тилшунослик билан боғлиқлиги, матн объектив борлиқ ҳақидаги билимларни акс эттирувчи тил бирлиги эканлигини;
- матн маданиятни акс этувчи восита эканлиги; маданий концептлар, лингвокультурема, маънонинг маданият билан боғлиқ бўлаги, маданий муҳим ахборот, лингвокультурологик майдон (поле), лингвокультурологик ҳолат, миллий дунё тасвири
- матннинг коммуникатив моҳияти;
- матн лингвистикаси соҳасида амалга ошириладиган илмий-тадқиқотларга қўйилган талаблар;
- тадқиқотларда илмийлик ва манбаларга асосланиб фикр юритиш талаблари;
- матн лингвистикасининг методологик принциплар ва тамойиллар, матн назариясига турли ёндашувларни **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;
- ўрганилаётган фанларнинг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчаларини;
- матн лингвистикасининг асосий йўналишлари ва уларнинг хусусиятларини;
- матн категориялари: информативлик, модаллик категориялари, матн яхлитлиги ва тугалланганлиги категориялари, матнда ўрин-пайт категорияларини;
- матн турлари ва уларнинг хусусиятларини;
- бадий матн ва унинг асосий категориялари. Матн образлиги, эмотивлиги, имплицитлиги, интертекстуаллиги категориялари;
- бадий матнда прагматик вазифалар турлари: "диққатни жалб этиш" вазифаси, "қизиқишни уйғатиш" вазифаси, "эмоционал таъсир кўрсатиш" вазифаси, "билимлар тузилмасини актуаллаштириш" вазифаси, "концептуал дунёқарашни акс эттириш" вазифаларини;
- ахборотни матнда тақсимлаш когнитив принциплари ва уларнинг турлари;

- матн лингвистикаси бўйича мавзуларни билиш ва эгаллаган ахборотни амалиётда *қўллашни билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- муайян назарий масалаларга оид фикрларни баён этиши, айти фикрларга нисбатан танқидий муносабатини шакллантириш ва ифодалаш;
- матнни таҳлил қилиш методларини (лингвистик шарҳлаш, суперлинеар таҳлил методи, семантик, стилистик, концептуал таҳлил, инференция методи, матн таҳлилининг статистик методлари) билиш ва уларни матн таҳлили жараёнида қўллаш;
- матнни назарий-прагматик, лингвокультурологик, стилистик жиҳатларини таҳлил қилиш;
- матнда акс этирилган миллий дунё тасвирини ифода этувчи маданий бўёқдор лисоний бирликларни ажрата олиш; матнда вербаллашган маданий концептлар ва лингвокультуремаларни таҳлил этиш;
- матнда тақсимланган когнитив ахборотни излаб топиш ва уни таҳлил қилишни
- эгаллаган билимларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш *кўникмалари ва малакаларига эга бўлиши керак.*

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Матн лингвистикаси мутахассислик фани ҳисобланиб, 1-семестр давомида ўқитилади. Фан бакалавр босқичида олиб борилган “Стилистика ва матн таҳлили”, “Лексикология”, “Таржима назарияси” каби фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, бу фанларни ўрганиш жараёнида талабаларда шаклланган тасаввур, билим, малака ва кўникмаларга суянади ва уларни такомиллаштиради. Фан тилшуносликнинг “Маданиятлараро мулоқот”, “Когнитив тилшунослик”, “Лингвокультурология”, “Лингвоконцептология”, “Когнитив стилистика”, “Лингвопрагматика”, “Коммуникатив тилшунослик”

каби замонавий йўналишлари билан ҳам узвий боғлиқ. Матн лингвистикаси фани доирасида эгалланган билимлар, малакалар ва кўникмалар базасида бўлажак магистр-лингвистнинг чет тили коммуникатив компетенцияси ривожланади ва такомиллашади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Матн лингвистикаси курси ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Матн лингвистикаси фани тилшуносликнинг замонавий йўналишларидан биридир. Ушбу фан инсонлараро ва маданиятлараро мулоқотнинг оғзаки ва ёзма шаклларида зарур бўлган чет тили коммуникатив ва касбий компетенцияларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Магистр-лингвистларнинг олий таълим муассасаларида, ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида чет тили мутахассиси сифатида фаолият кўрсатишига, ҳамда бўлажак ўқитувчиларга ўқувчиларга таълим бериш методларини ва кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари ушбу фанни ўрганиш жараёнида эгалланган билимлар филология соҳасида илмий тадқиқот олиб боришига кенг имкониятлар яратади, чунки ҳар бир лингвист илмий тадқиқот жараёнида матнни таҳлил қила олиши кўникмаларига эга бўлиши зарур. Шунингдек, ушбу курс турли хил матнларни фарқлаш ва мулоқотнинг турли жабҳаларида ва ҳолатларида тилдан услубий жиҳатдан адекват фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштиради.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг матн лингвистикаси фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий методларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Ушбу фанни ўқитиш

жараёни таълимнинг интерфаол методлари, коммуникатив ёндашувларга таянган ҳолда талабаларни маълумотларни пассив ҳолда қабул қилишларини эмас, балки уларнинг таълим жараёнида фаоллашуви, мустақил фикрлаши, фикрини эркин баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Маъруза ва амалий машғулотларида мос равишдаги илғор педагогик технологинлардан фойдаланилади.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);
- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс-стади (case-study);
- ақлий хужум методи (brainstorming).

Шунингдек, фанни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **Матн лингвистикаси фанига кириш**

Матн лингвистикаси тўғрисида умумий маълумотлар. Фаннинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи. Матн лингвистикасининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Матн тушунчаси. Матннинг асосий хусусиятлари.



Матнга турли ёндашувлар ва матн лингвистикатикасининг етакчи концепциялари. Матннинг умумий назарияси.

### **Матн лингвистикасининг турли йўналишлари**

Матн грамматикаси ва унинг тадқиқот объектлари ва вазифалари. Матн семантикаси ва унинг тадқиқот муаммолари. Матн стилистикаси. Когнитив услуб. Композицион структура. Муаллифнинг идиостили тушунчаси.

### **Матн типологияси**

Матн типологиясига турли ёндашувлар. Матн типологиясининг критериялари. Матнга функционал-стилистик ёндашув. Матн турлари ва жанрлари. Матн гетерогенлиги.

### **Матн ва унинг асосий категориялари**

Матн категориялари ҳақида тушунча. Матн категорияларининг классификацияси. Матн категориялари: модаллик категориялари, матн яхлитлиги ва тугалланганлиги категориялари, матнда ўрин-пайт категорияларини. Информативлик категорияси ва унинг турлари.

### **Бадий матн ва унинг асосий категориялари**

Эмотивлик категорияси. Образлилик категорияси. Имплицитлик категорияси. Интертекстуаллик категорияси ва унинг матнда ифодаланиш йўллари.

### **Матн лингвистикаси ва коммуникатив тилшунослик**

Матннинг коммуникатив моҳияти. Матн мулоқотнинг асосий ва энг мураккаб бирлиги сифатида. Коммуникатив мақсад ва интенциялари. Дискурс тушунчаси. Матнни қабул қилиш ва интерпретацияси. Текстуал коммуникацияси нигоҳида Г.Грайснинг коммуникатив қонунлари.

### **Матн лингвистикаси ва лингвопрагматика**

Матн прагматикаси. Матнга прагматик ёндашув. Адресат ва адресант факторлари. Прагматик интенция тушунчаси. Прагматик интенция турлари. Бадиий матнда прагматик вазифалар турлари: "диққатни жалб этиш" вазифаси, "қизиқишни уйғатиш" вазифаси, "эмоционал таъсир кўрсатиш" вазифаси, "билимлар тузилмасини актуаллаштириш" вазифаси, "концептуал дунёқарашни акс эттириш" вазифаси. Матн таъсир ва тушунишнинг прагматик эффективлиги.

### **Матн лингвистикаси ва когнитив тилшунослик**

Таянч тушунчалар: билимлар тузилмалари, концептуализация, концептуал тизимлар, когнитив модель, категориялаштириш, фрейм, концепт, концептуал ва лисоний дунё тасвири тушунчалари. Матнда ахборотни тақсимлаш когнитив принциплари. "Ахборотни илгари суриш" когнитив принципи ва унинг турлари. Матннинг концептуал аҳамияти.

### **Матн лингвистикаси ва лингвокультурология**

Лингвокультурема, маданий концепт, маданий коннотация, маданий семалар, миллий дунё тасвири тушунчалари. Концепт – концептуал ва тафаккур бирлиги сифатида. Маданий концепт тушунчаси ва унинг бадиий матндаги концептуал аҳамияти. Сарлавҳанинг матннинг концептуал дунё тасвирини намоён этишдаги аҳамияти. Маданий концептларнинг матнда вербаллашуви.

### **Матн таҳлили методлари**

- лингвистик шархлаш (контекстуал маънолар таҳлили, денотатив ва коннотатив маънолар бирикиши таҳлили, матн бирликларини, уларнинг луғатдаги маънолари билан солиштириш);

- суперлинеар таҳлил методи (матнда имплицит маълумот сигналларини аниқлаш);
- стилистик эксперимент методи (синонимлар танлаш, матнни торайтириш ва кенгайтириш, перифраз, гапда компрессиядан фойдаланиш, матнда аранжировканинг турли кўринишлари);
- матнни чуқур семантикасини моделлаштириш имконини берувчи когнитив моделлаштириш методи. Когнитив моделлаштириш сўзларнинг луғавий маънолари, сўз бирикмалари, сўзларнинг ассоциатив алоқалари; контекстуал маънолар асосида тузилувчи когнитив карталар орқали амалга оширилади;
- концептуал таҳлил одам когнициясининг юзаки тил тузилмалари билан алоқасини ўрганишни назарда тутди. Концептуализация жараёнида олинган маълумотларни англаб етиш ва минимал концептуал маъноларни аниқлаш рўй беради.
- инференция методи (семантик хулоса) концептуализация жараёнида хулосавий маъноларни олиш. Олинган билим тузилмаларини солиштириш ва қиёслашга асосланган инференция жараёнида қўшимча концептуал маънолар аниқланади ва матннинг яхлит концептуал тизими ҳақида мантиқий хулосалар қилинади;
- матн таҳлилининг статистик методлари сон жиҳатдан қонуниятларни ва фарқли томонларини аниқлаш, матннинг тил воситалари ўзига хос сифат хусусиятларини белгилаш имконини беради.
- фрейм таҳлили лисоний структуралар ва ментал моделларни боғлилигида амалга оширилади (матнда фреймни ифодалайдиган вербал сигналларни қидириб топиш, фреймнинг иерархик структурасини тиклаш, фреймда намоён бўлган билимларни концептуализацияси);
- кросс-маданий таҳлили тиллар ва маданиятларни қиёслаб ўрганишга асосланган (матнда миллий-маданий буёқдор лисоний бирликларни,

лингвокультуремаларни, маданий концептларни топиш ва уларни матнда вербаллашувини таҳлил қилиш).

### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

- Матн лингвистикаси фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи
- Матн лингвистикаси фанининг асосий тушунчалари
- Матн лингвистикасининг турли йўналишлари (матн назарияси, матн грамматикаси, матн семантикаси, матн стилистикаси)
- Матн тушунчаси
- Матн типологияси ва матн турлари
- Матн ва унинг асосий категориялари (информативлик, модаллик, интертекстуаллик ва хк.)
- Бадиий матн ва унинг асосий категориялари (эмотивлик, образлилик, имплицитлик)
- Матн лингвистикаси ва коммуникатив тилшунослик
- Матннинг коммуникатив моҳияти
- Матн ва дискурс
- Матн лингвистикаси ва лингвопрагматика
- Матнда прагматик интенциялар турлари
- Матн лингвистикаси ва когнитив тилшунослик
- Матнда ахборотни тақсимлаш тамойиллари
- Матн лингвистикаси ва лингвомаданиятшунослик
- Матн таҳлили методлари

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар матн лингвистикаси фани бўйича маърузада олган билим ва кўникмаларини турли матнларни амалий, назарий-прагматик, лингвокультурологик, стилистик жиҳатларини

таҳлил қилиш, амалий масалалар ва машқлар, таҳлил методларни амалда қўллаш, тақдимотлар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар, баҳс-мунозаралар, гуруҳ музокараларини ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Талабаларнинг мустақил иши дастурнинг асосий бўлимлари асосида режалаштирилади ва қуйидаги иш турларини назарда тутати:

- амалий тил материални йиғиш, карточкалар тузиш, бадий матнлар танлаш, матн лингвистикасининг назарий ва амалий муаммолари бўйича тестлар тузиш;
- маълум бир бадий матнни эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб таҳлил қилиш ва презентация қилиш;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ва мавзуларини ўрганиш ва устида ишлаш;
- лекцион курснинг маълум бир қисмлари бўйича презентациялар ва маъруза фрагментларини тайёрлаш;
- танланган мавзу бўйича рефератлар ёзиш;
- матн лингвистикаси бўйича семинар машғулоти учун услубий ишланмалар тузиш;
- ўрганилаётган чет тили адабиёти материали асосида бадий матн стилистик таҳлили ва талқини намуналарини йиғиш;
- матн лингвистикасининг асосий муаммолари бўйича илмий тадқиқот олиб бориш.

## **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

- Дискурс таҳлили: асосий ёндашувлар ва услублар
- Матнлар типологияси муаммолари
- Матн категориялари
- Матн информативлиги ва модаллиги
- Матн муаллифининг индивидуал дунё тасвири
- Матннинг бўлиниши, унинг композицион бўлаклари
- Бадиий матннинг асосий хусусиятлари.
- Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти материали асосида бадиий матннинг ҳар тарафлама стилистик таҳлили ва талқини
- Матнда тил воситаларининг стилистик ва прагматик функциялари
- Бадиий матнни қабул қилиш муаммолари
- Матнда ахборотни тақсимлаш когнитив принциплари
- Прагматик интенция тушунчаси. Прагматик интенция турлари

## **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Матн лингвистикаси фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган. Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни тайёрлаш ва ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдиротлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва илғор педагогик технологияларни қўллаш каби усуллардир.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати<sup>1</sup>**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Ashurova D.U. Text Linguistics. Tashkent: Tafakkur Qanoti, 2012
2. Adamzik, Kirsten: Textlinguistik. Eine einführende Darstellung. Max Niemeyer Verlag. Tübingen 2004.
3. Eichler, Wolfgang / Bünning, Karl-Dieter: Deutsche Grammatik. Studienbuch Linguistik. Frankfurt am Main: Athendum, 2001
4. Abdouchoukourova L.A. Interprétation du texte. Toshkent, 2010.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Филиппов К.А. Лингвистика текста. Курс лекций. – Петербург, 2003
2. Чернявская В.Е. Лингвистика текста: поликодовость, интертекстуальность, интердискурсивность. –М.: ЛИБРОКОМ, 2009
3. Карасик В. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. –М.: Гнозис, 2004
4. Müller, Horst M. (Hrsg.): Arbeitsbuch Linguistik. Ferdinand Schöningh 2002. Paderborn · München · Wien · Zürich

### **Интернет сайтлари:**

1. [www.ac./semiotic/lkf\\_met.html](http://www.ac./semiotic/lkf_met.html)
2. [www.edumarket.ru](http://www.edumarket.ru)
3. <http://www.beaugrande.com/IntroFive.htm>
4. <http://www.durov.com/study/1126965784-307.html>
5. <http://www.daf.uni-mainz.de/Bibliographien/bibttext.htm>
6. <http://lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik>
7. <http://pups.paris-sorbonne.fr>
8. [http://www. Librairieharmattan.com](http://www.Librairieharmattan.com)
9. [www.semantica-y-lexicologiyia-de-la-lengua-espanola](http://www.semantica-y-lexicologiyia-de-la-lengua-espanola)
10. [www.catalunyaonline.com](http://www.catalunyaonline.com)

---

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

